

БУХОРОГА 1920 ЙИЛ АВГУСТИДА ҚИЗИЛ АРМИЯ ҲУЖУМИ: ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ ВА УЙДИРМАЛАР

Қахрамон РАЖАБОВ

тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон ФА Тарих институти
Тошкент, Ўзбекистон
kahramon-62@mail.ru

Аннотация

Мақолада Шарқнинг йирик давлатларидан бири бўлган Бухоро амирлигининг 1920 йил 2 сентябрда собиқ қизил армия томонидан тугатилиши ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Бухоро амирлиги, Туркистон комиссияси, Туркистон fronti, қизил армия, Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси, Ёш бухороликлар, амирлик хазинаси, курултой, нозирлар, халқ ҳукумати.

НАПАДЕНИЕ КРАСНОЙ АРМИИ НА БУХАРУ В АВГУСТЕ 1920 ГОДА: ИСТОРИЧЕСКАЯ ПРАВДА И ВЫМЕСЕЛ

Қахрамон РАЖАБОВ

доктор исторических наук, профессор
Институт истории АН Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
kahramon-62@mail.ru

Аннотация

В статье анализируется ликвидация красной армией 2 сентября 1920 года одного из крупнейших восточных государств - Бухарского эмирата, а также создание Бухарской Народной Советской Республики.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Туркестанская комиссия, Туркестанский фронт, красная армия, Совет Бухарских Народных комиссаров, Младобухарцы, казна эмирата, съезд, комиссары, народное правительство.

Жорий 2020 йилда Ўзбекистон ҳудудида юз берган иккита муҳим тарихий воқеага 100 йил тўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. 1920 йил 1 февралда Хивада хонлик, 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди. Ўрта асрларга хос монархик сулолалар бошқарувидан замонавий республика тузумига ўтилди. 1920 йил 26 апрелда Хивада Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР), 6 октябрда Эски Бухорода Бухоро Халқ Совет

Республикаси (БХСР) ташкил қилинганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим роль ўйнаган БХСР ва ХХСР давлатлари мустақил ҳолатда 5 йилга яқин мавжуд бўлиб, улар 1924 йил охирида собиқ совет режими ва большевиклар томонидан тинч йўл билан тугатилди.

Хивада хонлик тузумининг ағдариб ташланиши ва янги режимнинг ўрнатилиши (1920 йил 1 февраль) большевикларнинг “Шарққа доир сиёсати”нинг фақат биринчи босқичи эди. Бу босқич “муваффақиятли” амалга оширилгач, собиқ совет ҳокимияти ва унинг ҳарбий кучлари бўлган қизил армия бутун эътиборини Бухоро амирлигини қулатиш, уни советлаштириш ва руслаштиришга қаратди.

Бухоро амирлигини ҳам Хива хонлигининг фожиавий қисмати кутаётганлигини яхши тушунган амир Саид Олимхон шошилиш равишда ўз мамлакатининг мудофаа қобилиятини мустақкамлашга уринди. Бухоронинг дахлсиз чегараларини, унинг эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилган бу саъй-ҳаракатларни собиқ совет режими амир ҳукумати совет Туркистонига (Туркистон АССРга) ҳужум қилишга тайёрланмоқда, деб кўрсатишга бутун чоралар билан уринди [1; 124]. Ҳақиқатда эса ҳамма нарса аксинча эди. Айнан совет режими ва большевиклар суверен Бухоро давлатига ҳарбий интервенция қилиб, уни босиб олиш режаларини мўлжаллашди. Ўзининг босқинчилик режасини яшириш ва аҳолининг диққат-эътиборини чалғитиш мақсадида большевиклар атайлаб юқоридаги ёлғонни ўйлаб чиқарган ҳамда бутун тарғибот-ташвиқот машинасини жамоатчилик назарида “ёвуз ва қонхўр амир Олимхон” қиёфасини шакллантиришга йўналтирган эди [2; 123].

Большевикларнинг босқинчилик сиёсати ва қабих режаларини амалга оширишга имконият ва қулай шароит 1920 йил баҳор-ёзида етила борди. 1919 йил сентябрда қизил армия томонидан “Оренбург пробкаси”нинг ёриб ўтилиши ва Оренбург – Актюбинск фронтининг тугатилиши натижасида янги ташкил қилинган Туркистон фронтининг яхши қуролланган ҳарбий кучлари Туркистон минтақасига ташланди. Фронт қўмондони М.В.Фрунзе

Оренбургдан Тошкентга келиб, Фарғона водийсидаги истиқлолчиларга қарши жанг ҳаракатларига шахсан ўзи қўмондонлик қилди. 1920 йил февралда Хива хонлиги ағдарилиши натижасида Закаспий ва Еттисув фронтлари ҳам тугатилди. 1920 йил баҳорида Фарғона водийсидаги қўрбошилар гуруҳларига қизил армия томонидан жиддий зарбалар берилди. Совет қўмондонлиги вужудга келган ана шундай қулай вазиятдан фойдаланиб, Бухоро амирлигига ҳарбий тажовуз қилишга зўр бериб тайёргарлик кўра бошлади [3; 316-317].

1920 йил 7 январь ва 30 мартда Туркистон комиссияси аъзолари Бухоро амири ҳузурига ташриф буюрдилар. Амирни 30 мартда Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе ва Туркистон комиссияси раиси Ш.З.Элиава РСФСР ҳукуматининг Бухорога нисбатан тинчлик ниятида эканлигига ишонтиришга уриниб кўрдилар. Музокарада ҳар икки томон ўз талабларини қўйди. Масалан, Бухоро амири Янги Бухоро (Когон) станциясига олиб келинган қизил аскар қисмларини олиб кетишни, Янги Бухоро ва Янги Чоржўйдан жадиждларни чиқариб юборишни, Колесов босқини (1918 йил март) даврида босиб олинган амирга қарашли пахта заводи ва Янги Бухородаги амир саройини қайтаришни, Бухоро шаҳри устида ҳарбий самолётлар учишини тўхтатишни талаб қилди. Туркистон комиссияси вакиллари эса, амирлик томонидан рус посёлкаларига нисбатан иқтисодий чеклашни, совет Россиясига қарши ташвиқотни, большевикларга қарши “ғазовот уруши”га чақиришни тўхтатишни ва дарҳол Бухоронинг ҳаракатдаги армиясини тарқатишни талаб қилди [4].

Бухоро амири Туркистон комиссиясининг талабларини рад қилди, уларнинг бу хатти-ҳаракатини суверен давлатнинг ички ишларига аралашиб, деб баҳолади. Айни вақтда Туркистон комиссияси аъзолари ҳам Бухоро томонининг илтимоси ва таклифларини эътиборсиз қолдирдилар, уларни тўла-тўқис рад этдилар [5].

Туркистон комиссияси музокаралар вақтида Бухоро ҳукуматининг тутган бу қатъий йўлини, унинг РСФСР ҳукуматининг Туркистондаги ваколатли вакили амрига бўйсунушни истамасликда, Бухорони Россияга нисбатан “нодўстона”, ҳатто “душманлик” муносабатида бўлмоқда, деб

тушунишга интилди. Амирлик ҳарбий жиҳатдан Туркистон fronti қўшинларига кўп жиҳатдан бас кела олмаса ҳам шундай муносабатда бўлган эди.

Бухоро амирлиги Туркистон АССРга бостириб киришга тайёргарлик кўрмоқда ва уни қайтариш керак, деган сохта баҳоналар билан совет кўмондонлиги 1920 йил ёзида катта миқдордаги қўшинларини амирлик чегараларига яқин келтириб қўйди. Шунингдек, қизил армия кўмондонлиги Бухоро чегараларига яқин бўлган совет Туркистони шаҳарларидаги ҳарбий гарнизонларни ҳам мустаҳкамлади [6].

Москвада Бухоро амирлигига бостириб кириш ва уни тугатиш режаси зўр бериб ишлаб чиқиляётган эди. 1920 йил 21 майда РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарининг ўринбосари Л.М.Карахан большевиклар ҳукумати бошлиғи В.И.Ленинга йўллаган телеграммасида бундай деб ёзган эди: “Биз Туркистон комиссияси билан тўла ҳамжиҳатликда Тошкентдаги вакилларимизга амирликни тугатишни ва Бухорода демократик республика тузишни, унга Ёш бухороликларни (эндиликда эса коммунистларни) бошлиқ қилиб қўйишни таклиф этамиз” [7; 164-165].

Мазкур телеграммадан кўриниб турибдики, Туркистон комиссияси 1920 йил май ойидаёқ Бухородаги мавжуд тузумни ағдариб ташлашни ёқлаб чиққан эди. Чунки май ойи бошларида Москвага келган Туркистон комиссияси раиси Ш.З.Элиава ва комиссия аъзоси Я.Э.Рудзутак Россия Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичеринга Туркистон комиссиясининг “эртагаёқ Бухоронинг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариш” мумкинлиги ҳақидаги қатъий баёнотини топширган эди [8; 11].

РКП(б) МК Сиёсий бюроси ҳам 1920 йил 22 майда Л.М.Карахан таклифини қабул қилди ва маъқулади. Совет Россиясининг Туркистон АССРдаги ҳарбий қисмларига Бухоро амирлигини босиб олишга пухта тайёргарлик кўриш вазифаси юклатилди. Хуллас, Бухоро амирлиги қизил армия томонидан босиб олинадиган, бу ердаги “инқилоб” натижасида республика ўрнатиладиган бўлди. Шу тариқа “Бухоро масаласи” ва тақдири

ундан анча олисда, Москванинг Кремль саройида олий сиёсий раҳбарият томонидан ҳал қилинди. Бу воқеалардан хабар топган Амир Олимхон вазиятни юмшатиш, интервенциянинг олдини олиш мақсадида 1920 йил 8 июнда Мирзо Маъди Хўжабой бошчилигидаги Бухоро элчиларини Москвага жўнатди. Улар Г.В.Чичерин билан музокаралар ўтказиб, ҳар икки давлат ўртасида тинч-тотув яшаш, ички ишларга аралашмаслик, савдони ривожлантириш масалаларига тааллуқли шартномалар имзолаб қайтдилар [9].

Бироқ Туркистон комиссияси аъзоси, Туркистон fronti кўмондони М.В.Фрунзе Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб, 1920 йил 31 июлда совет Россияси ҳукумати раиси ва большевиклар раҳбари В.И.Ленинга телеграмма жўнатади. РСФСР Қуrolли кучлари Олий бош кўмондони С.С.Каменов бу телеграммага “кулай фурсатда бошлашга рухсат берилади” деб қисқа жавоб юборган. Қизил армия август ойи мобайнида Бухорони зўравонлик билан босиб олишга жиддий тайёргарлик кўрди.

1920 йил 12 августда М.В.Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд–Бухоро фронтини (4 та зарбдор гуруҳдан иборат) тузишга буйруқ берган. Шу тариқа пойтахт Бухоро шаҳри атрофига 7000 пиёда, 2500 отлик аскар, 46 та тўп, 230 та пулемёт, 10 та броневтомобиль, 5 та бронепоезд ва 12 та аэроплан (ҳарбий самолёт) шай ҳолатга келтириб қўйилди. Туркистон fronti жангчиларидан ташқари кейинчалик ҳарбий амалиётларда 5000 кишидан иборат бухоролик кўзғолончилар гуруҳи (амирга қарши муҳолафат кучлари) ҳам қатнашди [10]. Бироқ сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, аслида М.В.Фрунзе кўмондонлигидаги 70 000 нафар қизил аскарлар Бухоро амирлиги ҳудудига хужум қилганлар. Бу ҳарбий қисмларнинг кўпчилиги Фарғона водийсида истиқлолчиларга қарши курашаётган қизил аскарлар бўлиб, улар август ойи охирида амирлик чегараларига ташланди. Қизил аскарлар орасида Қозон ва Волгабўйидан юборилган татар ўқчилари ҳам кўп бўлган [11]. Бухоро ҳукумати ихтиёрида эса 8725 пиёда аскар (асосан навкарлар) ва 7850 отлик сарбозлар, фақат 150 га

якин эски пилта тўплар, бир неча ўнлаб замонавий тўплар, 20 та пулемёт бўлган. Шунингдек, амирликнинг мунтазам қўшинидан ташқари жуда ҳам ёмон қуролланган 20 000 нафар халқ лашкари ҳам бўлиб, улар жангларга мутлақо тайёр эмас эди. Бухоро амирлиги қўшбегиси (бош вазир) Усмонбек ва ҳукумат аъзоси Бақо Ҳожи Тўксабонинг маълумотларига кўра, 1920 йил август ойи охирида Эски Бухоро ва унинг атрофида қўшиннинг умумий миқдори (халқ лашкари билан биргаликда) 20 000 киши атрофида бўлган [3; 323-324]. Пала-партиш қуролланган ва етарли ҳарбий амалиётга эга бўлмаган Бухоро армиясининг тиш-тирноғигача қуролланган, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган ва катта жанговар тажрибага эга қизил армиянинг ҳал қилувчи ҳужумига дош бермаслиги олдиндан маълум эди.

Туркистон комиссияси Бухородаги амирлик режимига қарши турувчи муҳолафат кучларини жипслаштириш ва мамлакатда тўнтариш ҳозирлаш билан бевосита шуғулланди. Айнан Туркистон комиссияси раҳбарлигида 1920 йил 24 июндаёқ Бухорода қуролли қўзғолон тайёрлаш бўйича ҳарбий-инқилобий бюро тузилган бўлиб, унинг таркибига Туркистон комиссияси аъзолари М.В.Фрунзе ва В.В.Куйбишев, Туркистон Компартияси МК котиби Назир Тўрақулов, Бухоро Компартияси МК котиби Нажиб Ҳусаинов, Ёш бухороликлар партияси Марказий бюросининг раиси Файзулла Хўжаев ва бошқалар кирди. Ҳарбий-инқилобий бюро хитобнома ва декретларнинг лойиҳаларини тайёрлаб, уларни “инқилоб” ғалаба қозонадиган куни Бутунбухоро Инқилобий Қўмитаси (ревком) номидан эълон қилишни мўлжаллаган эди. 1920 йил 10 августда Туркистон комиссияси, Бухоро Компартияси Марказий Комитети ва Ёш бухороликлар партияси Марказий бюросининг қўшма мажлисида Файзулла Хўжаев бошчилигида Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ҳукумати ва Аҳмаджон Абдусаидов (Ҳамдий) раислигида Бухоро Муваққат Инқилобий қўмитаси тузилди, [13] улар амирлик ағдариб ташланганидан кейин Бухоро давлатини бошқаришлари лозим эди. 23 августда бўлган Туркистон комиссиясининг навбатдаги мажлисида Бухоро “инқилобий” ҳукуматининг дастури муҳокама этилди ва қабул қилинди [7;

186-187]. Бироқ қизил аскарлар Бухорони босиб олгач, бу ҳукумат тузилмаларида анча ўзгаришлар қилинди.

Шундай қилиб, Бухорода ҳали “инқилоб” бошланмасдан туриб, Тошкентда РКП (б) МК ва РСФСР ҳукуматининг ваколатли органи бевосита раҳбарлигида “инқилоб” ғалаба қозонганидан кейин ўрнатиладиган янги тузум ва давлат шакли қандай бўлиши кераклиги аниқлаб олинди, янги ҳукумат органларининг тартиби, уларнинг дастури, декретлари ва бошқа ишлар белгилаб қўйилган эди. Гап энди фақат даъват қилиниши лозим бўлган “инқилоб”нинг ўзини амалга оширишда қолган эди [15]. Бу жараёнларда Бухоро Коммунистик партияси ва инқилобчи Ёш бухороликлар партияси раҳбарлари ўртасида кескин тортишувлар ва жиддий мунозаралар бўлган бўлса ҳам улар Россия большевиклари фикрини қабул қилишди ва ҳарбий ёрдам сўралди.

1920 йил 21 августда Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе ва Туркистон fronti Ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси Ю.Иброҳимов РСФСР Ҳарбий ишлар халқ комиссари Л.Д.Троцкий номига телеграмма йўллаб, Бухорони босиб олишга ҳамма нарса тайёр эканлигини маълум қилишганида, большевикларнинг раҳбарларидан бири И.В.Сталин бу телеграммага “ўрток Фрунзе рецептига кўра зудлик билан ҳаракат қилинг”, деб резолюция қўйган [16]. Бу жумланинг остига эса В.И.Ленин ва Н.И.Бухарин “розиман” деб қўл қўйишган [17].

1920 йил 16-18 августда Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-съезди бўлиб, у амирга қарши кўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилган. Большевикларнинг маккорона режалари амалга оша бошлаган. Тарихда “ялпи кўзғолон” деб аталган ҳаракат 1920 йил 23 августда коммунист Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқларининг Чоржўй яқинидаги Сақор Бозор қишлоғини ишғол қилиши билан бошланди. Бешим Сардор ва Янги Чоржўй коммунистлари дарҳол Эски Чоржўйни ишғол қилганлар, юздан ортиқ амалдорлар қамоққа олинган. Чоржўй беклиги хазинаси қўлга киритилиб, бу бойликлар дарҳол Чоржўй ревкоми ва янги ҳукумат қўлига

ўтган [18]. Большевиклар билан бўлган аввалги келишувга кўра шу куни Чоржўй ревкоми “Бутунбухоро халки номидан” Туркистон fronti кўмондонлигига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ваҳоланки, Бухоро халқи коммунистлар съезди қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам беҳабар эди. Хуллас, Бухоро тақдири қизил кўшин ихтиёрига топширилди.

М.В.Фрунзе “ёрдам” сўраш тўғрисидаги мурожаатни олгач, Туркистон fronti кўшинларини тўртта зарбдор гуруҳ (Самарқанд, Каттакўрғон, Чоржўй ва Когон)га ажратган. Самарқанд гуруҳи 29-30 августда Шаҳрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб, Қарши ва Ғузorni эгаллаши, Каттакўрғон гуруҳи эса шу кунлари Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани олиши, Чоржўй гуруҳи эса Эски Чоржўйни эгаллаб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат қилиши, Фороб ва Қорақўлни босиб олиб, кўшимча буйруқни кутиб туриши лозим эди. Асосий вазифа Когон гуруҳи зиммасига юкланди. У Эски Бухоро шаҳрини босиб олиши, амир Олимхонни асирга тушириши ва Арки Олийдаги хазинани эгаллаши керак эди.

1920 йил 25 августда кўмондон М.В.Фрунзе Туркистон fronti кўшинларига “қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида” буйруқ берди. Зарбдор гуруҳларнинг кўпчилигига дастлабки марраларни эгаллаш ва 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Жанг ҳаракатларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун Янги Бухоро (Когон) шаҳрига Туркистон комиссияси ва Туркистон бюросининг янги аъзоси Г.Сафаров ва Ёш бухороликлар партияси раҳбарлари жўнатилди. Фронт кўмондони М.В.Фрунзе Самарқанд шаҳридан туриб телеграф орқали ҳарбий амалиётларга бевосита раҳбарлик қилди. Босқинчи қизил армия томонидан пойтахт Бухоро шаҳрига ҳужум ҳам 29 августга ўтар кечаси бошланди. Ҳал қилувчи жанглар Бухорои шариф дарвозалари яқинида рўй берди [8; 12]. Бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди қуйидагича ёзган эди: “Шаҳар маркази ер билан яксон қилинди. Жанг давомида кўплаб самолётлар ва замбараклар ишга солинди. Минглаб снарядлар ва бомбалар Эски Бухоро устига ёғдирилди. Шаҳар ҳимоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар,

аёллар ва болалар ҳалок бўлдилар. Юзлаб аҳоли уй-жойлари, меъморчилик ва тарихий обидалар ер билан яксон бўлди. Регистон ёндирилди” [20].

Эски Бухоро шаҳри 29 августдан бошлаб ҳам ҳаводан, ҳам ердан қаттиқ бомбардимон қилинган. 1-2 сентябрь кунлари Бухоронинг Қарши дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ҳамда Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари яқинида жойлаштирилган тўплардан шаҳарга 12000 та снаряд ташланган, 12 та ҳарбий аэроплан эса шаҳар устида 3 кун мобайнида бомба ёғдирган. Бир неча юз минг дона патрон сарфланган. Шаҳарнинг Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 кг дан ортиқ порох кўмилиб портлатилган. Қулаб тушган дарвозалардан қизил аскарлар шаҳарга бостириб кирганлар. Муқаддас Бухоройи шарифда қатқил кўча жанглари бошланиб кетган.

Амир Олимхон шаҳар обидалари ва аҳолини омон сақлаш мақсадида пойтахт Бухоро шаҳрини ташлаб чиқиб кетган. Қизил қўшин аэропланлари уни қидириб топиш баҳонасида Бухоро шаҳридан ташқари шаҳар атрофидаги қишлоқларни, тарихий обидалардан Ситораи Моҳи Хосани бомбардимон қилган. Шафқатсиз ўқ ёмғирлари ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг 3/5 қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган.

Шундай қилиб, 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми қизил аскарларнинг қуролли кучи билан ағдариб ташланган. Ўша куни қизил аскарлар Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи – Арк (Арки Олий)ни эгаллаб, унинг устига ўз байроқларини тикладилар. Қизил армиянинг Бухородаги боқинига бошчилик қилган М.В.Фрунзе Москвага – РСФСР ХКС раиси В.И.Ленинга телеграмма йўллаб, Эски Бухоро қалъаси қўлга киритилганлиги ҳамда “Бухоро мустабидлари ва қора гуруҳларининг охириги таянчи тугатилган” лигини [21] “зўр мамнуният” билан таъкидлайди.

Бухоро шаҳрини босиб олган қизил аскарлар ҳукмдор қароргоҳи Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қўшбегиси ва бошқа сарой амалдорларининг бутун бойликларини талон-торож қилганлар. Хусусан,

Туркистон fronti кўмондони М.В.Фрунзе, Бухоро кўшин группасининг бошлиғи И.П.Белов, кўплаб қизил армия командирлари ва оддий жангчилар катта бойликни ўзлаштирганлар. М.В.Фрунзе ва Файзулла Хўжаев бошчилигидаги инқилобчи Ёш бухороликлар партияси раҳбарлари вайрон қилинган ва таланган Бухоройи шарифга қизил аскарлар ҳамроҳлигида кириб келишган.

Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, ўша пайтда жаҳондаги энг катта хазиналардан бири ҳисобланган амирликнинг бутун хазинаси икки эшелонда (ҳар бир эшелонда 20 та қизил вагон бўлган) Москвага жўнатилган [22]. Баъзи манбаларга қараганда, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСР раҳбарлари хазинанинг бир қисмини большевиклар талон-торожидан асраб қолишга муваффақ бўлишган. Улар бу хазинадан кейинчалик Бухорода республика тузуми асосларини қарор топтиришда, бухоролик талабаларни Германия, Туркия ва бошқа мамлакатларда ўқитишда фойдаланишган. Олтин (қуйма олтин ва тилла тангалар), қимматбаҳо тошлар ва нодир буюмлардан иборат бу хазинанинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан 77 млн. тилла сўм (бугунги баҳода тахминан 80 миллиард доллар)ни ташкил қилади [8;13]. Бу бойликлардан 1920 йили иқтисодий ночор совет Россияси ўз манфаатлари йўлида фойдаланган. Тилла тангалар ва қимматбаҳо тошларнинг бир қисмини ўмарганлиги учун М.В.Фрунзе 1920 йил кузида Москвада маълум муддат уй қамоғида ушлаб турилган ва “ўртоқ Фрунзе иши” очилган [24].

Бухоро амирлиги хазинасининг тарихи ва тақдири, хазинанинг совет Россияси томонидан ўзлаштирилиши хусусида айрим тарихий асарларда [25] сўз боради.

Саййид Мансур Олимий (Амир Саид Олимхоннинг ўғли, 1931 йил Афғонистонда туғилган) томонидан ёзилган “Бухоро – Туркистон бешиги” номли асарда қизил армиянинг Бухорога босқини ва амирнинг Бухоро тақдири ҳал қилинаётган фурсатдаги тадбири қуйидагича ёритилган: “Тунги соат икки яримда Фрунзе лашкарлари Бухорога ҳужум бошлади. Ўн икки аэроплан Бухорони кеча-кундуз бомбардимон қилди. Натижада 50 000 дан ортиқ эркак

ва аёл, болалар ҳалок бўлди, уйлар, масжидлар, мадрасалар, тижоратхоналар вайрон этилди. Амир томонидан ҳозирлаб қўйилган жанг анжомлари, захиралари вайрон этилиб, коммунистлар тарафидан ёндириб юборилди.

Амир Олимхон узоққа отар тўплар ва қизил аскарларга қарши олиб борган тўрт кунлик жанглардан сўнг Бухоро аҳолиси жонини сақлаб қолиш мақсадида ҳамда душманларга қарши жанг қилиш учун ўз кучининг заифлигини англаб, курашни тўхтатишга мажбур бўлди. Шанба куни Ситораи Моҳи Хоса боғини тарк этиб, пайшанба куни Афғонистон элчиси Абдушукурхон, Тошкентдаги элчи Муҳаммад Асламхон Сайғони миришкор, афгон лашкари қозиси ҳамда 25 минг Бухоро ва афгон сарбозлари иштирокида Гиждувон орқали Ватандан чиқиб кетди” [26].

Бу ҳолатни Саид Олимхоннинг ўзи кейинчалик ёзган “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” номли хотираларида қуйидагича тасвирлаган эди: “Тўп ўқларининг кўплиги, бомба ёғдиришлар, талафот ва харобаликлар Бухоро шаҳрида ортиб кетиб, камбағал бева-бечораларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Шунда ўзимча ўйладим. Бу бандаи ожиз ушбу Бухорои шариф шаҳаридан кўчишни ихтиёр этсам, шояд шу сабабдан харобаликка бўлган сабаблар йўлини тўсиб, фақир уфқаро бечораларни бу жабр-ситамлардан озод қилсам ва осойишталик бахш этсам, деган андишада чаҳоршанба куни тушдан кейин соат тўртларда фойтунга ўтириб, мисоли ҳазрат Пайғамбар алайҳиссалом суннати бўлмиш ҳижрат каби кўчишни ихтиёр этдим. Шоҳлик боғи саналган Ситорайи Моҳи Хосадан чиқиб, Тумани Комот (Вобкент) ва Харқонруд, яъни Гиждувон тарафга равона бўлдим” [27].

Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди бўлган маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг “Тарихи нофеий” (“Фойдали тарих”) асаарида қизил аскарлар томонидан қилинган Бухоро босқини оқибатларини қуйидагича тасвирлайди: “Бухорони босиб олиш натижасида 34 та гузар, 3000 дан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Минораи Калонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасалари қисман ёниб кетди... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Кофиробод, Ўғлон

дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан Тўқумдўзий хаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гулбозор, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули Ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб битди. Шаҳарда уч мингга яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди” [28]. Бухороликлар бу кунларни “кичик қиёмат” деб аташган.

Туркистон fronti инқилобий-ҳарбий бюро учлигининг аъзоси А.Машицкийнинг 1920 йил сентябрда В.И.Ленинга ёзган маълумотномасида Бухоро шаҳри маркази яқсон қилинган, Регистон ва Арк ёндирилгани, Арк ертўлалари ва омборхоналаридаги бутун бойликлар – олтин, кумуш, бриллиантлар талангани, бунда қизил армия бевосита қатнашгани ҳақида хабар берган. Қарийб 15 сентябргача давом этган Бухоро таловининг гувоҳи бўлган Туркистон комиссияси аъзоси Г.Сафаров ўз маълумотларида шундай ёзган эди: “Бухорога келган қизил кўшинлар энг аввало талончилик билан шуғулландилар. Улар ҳаммани ва ҳамма нарсани таладилар. Умуман қизиллар Бухорони талаш учун келган эдилар” [29].

Даҳшатли жанглар натижасида Эски Бухоронинг тинч аҳолисидан анчагина қисми, шунингдек, шаҳар деворлари орқасида жон сақлаган атроф қишлоқларнинг кўпгина аҳолиси ҳалок бўлди. Воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлардан бирининг гувоҳлик беришича, ўлганлар шу қадар кўп эдики, уларни йиғиштириб олишга улгуришмасди [30]. Қадимий Бухоро шаҳри ўт ва харобалар ичида қолди. Шаҳарнинг деярли ярми ёниб бўлган, 4/5 қисми харобалар остида ётар эди. Айниқса, Турон минтақасидаги энг қадимий меъморчилик обидаси бўлган Арки олий катта шикаст кўрди, қизил кўшин артиллерияси унга қараб тўғридан-тўғри ўқ ёғдирган эди.

Эски Бухоронинг босиб олинишида, шунингдек, умуман амирликнинг тугатилишида Туркистон fronti кўшинлари ҳал қилувчи роль ўйнади. Ёш бухороликлар ва Бухоро Коммунистик партиясининг “инқилобий тузилмалари” босқинчилар армиясига кўшимча куч сифатида хизмат қилган

бўлса ҳам аслида улардан совет кўмондонлиги гўё амирга қарши “кўзғолон кўтарган халқ” илтимосига кўра жангга кириб, фақат ёрдам кўрсатганлигини намойиш қилиш учун бир ниқоб сифатида фойдаланди.

Бухоро шаҳри босиб олинганидан сўнг қизил армия амирлик таркибидаги 27 та вилоят (беклик) ва Бухоро шаҳри атрофидаги 11 та туманни ҳам бирин-кетин эгаллади ва бу билан Бухоро амирлигига барҳам берди. Амирлик ҳудудида кейинчалик Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан туриб, Бухородаги сентябрь фожиаларига назар ташланса ва мушоҳада этилса, бир ҳақиқат ойдинлашади. Бухородаги амирлик тузуми ҳақиқатан ҳам келгуси тараққиёт учун тўсиқ бўлиб турарди. Ёш бухоролик жадидлар мамлакатни европача андозадаги ривожланган давлат даражасига кўтариш, Бухорода демократик тузум ва ҳуқуқий жамият куриш учун чин дилдан интиланган эдилар. Бироқ улар амирлик тузумини ўз кучлари билан йиқита олмай, большевиклар ва қизил аскарлар билан иттифоқ тузиб, қаттиқ адашдилар ва жиддий хатога йўл қўйдилар.

Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг 1920 йил 10 сентябрдаги қарори билан РСФСР ҳукумати ва РКП(б) МКнинг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги вакили этиб Туркистон комиссияси раисининг ўринбосари В.В.Куйбишев тайинланди. В.Куйбишев янги ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаевга ишонч ёрлиғини топширди, унда “РСФСРнинг асосий талаби Бухоро давлати мустақиллигини ҳурмат қилиш, барча рус фуқаролари ва ташкилотларини ҳамда Бухоро мустақиллигини ҳурмат қилишга ундашдан иборат” эълонлиги таъкидланган эди. Амалда эса В.Куйбишев Бухородаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган барча ислохотларга очикдан-очик аралашиб, совет андозасини ўрнатишга ҳаракат қилди.

Амирлик пойтахти босиб олинганидан кейин сентябрь ойи бошларида Бухорода ҳокимият Муваққат Бутунбухоро инқилобий кўмитаси ихтиёрига ўтди. У дарҳол Туркистон комиссияси раҳбарлигида илгаридан тайёрлаб қўйилган манифестни эълон қилди. Унда Бухоро давлати “Мустақил Бухоро

Совет Республикаси” деб кўрсатилган эди. Шунингдек, манифестда яна амирликдаги мавжуд ерлар давлат ерларига айлантирилиши, солиқларнинг тартибга солиниши, ерлар эса ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилиб, уларнинг меҳнат қуроллари билан таъминланиши, суд ишларини тартибга солиш, таълим тизимини янгилаш, ўлим жазосини бекор қилиш, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ёзилганди [31]. 1920 йил 11 сентябрда инқилобчи Ёш бухороликлар партияси тарқатиб юборилди, унинг кўпчилик аъзолари Бухоро Коммунистик партияси таркибига киришди [15; 130].

1920 йил 14 сентябрда бўлган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси, Муваққат Бутунбухоро инқилобий кўмитаси ва Бухоро Коммунистик партияси [33] Марказий Комитетининг умумий йиғилишида Абдулқодир Муҳитдинов (1892-1934) раислигида 9 кишидан иборат Бутунбухоро Марказий Инқилобий Кўмитаси (Марказий Ревком) ва Файзулла Хўжаев раислигида 11 кишидан иборат ҳукумат – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси шаклланди. Бутунбухоро Марказий Инқилобий Кўмитаси таркибига Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Мукаммил Бурҳонов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев ва Муҳаммаджон Қулмуҳамедов аъзо қилиб киритилди. Уларнинг аксарияти коммунистлар бўлган.

Бухородаги дастлабки демократик ҳукумат таркибига Файзулла Хўжаев (раис ва Ташқи ишлар нозири), Қори Йўлдош Пўлатов (Маориф нозири), Мухторжон Саиджонов (Ички ишлар нозири), Усмон Хўжа (Молия нозири), Нажиб Хусаинов (Давлат назорати нозири; баъзи манбаларда Иқтисод нозири), Юсуф Иброҳимов (фавқулодда комиссия – Чека раиси), Мукаммил Бурҳонов (Адлия нозири), Баҳовуддин Шихабуддинов (Ҳарбий ишлар нозири), кейинчалик эса Абдурахим Юсуфзода (Зироатчилик–Деҳқончилик нозири), Мирза Муҳитдин Мансуров (Савдо ва саноат нозири), Мирзо Исом Муҳитдинов (Озиқ-овқат нозири) киритилди. Уларнинг барчаси Ёш бухоролик жадиждлар эди.

1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутунбухоро халқ вакиллариининг I курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу янги давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналаридан мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Курултойда давлат ҳокимиятиниинг олий органи – Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси ва дастлабки ҳукумат таркиби – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси узил-кесил тасдиқланди.

Асосан жадидлардан ташкил топган Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ўша пайтда дунёдаги энг маълумотли кишилар жамланган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Нозирлар Бухоро, Истанбул, Берлин, Москва ва бошқа шаҳарларда таълим олишган эди. Бунинг устига ҳукумат аъзолари асосан ёшлардан иборат бўлган. Ҳукумат бошлиғи 24 ёшда бўлиб, нозирларнинг ўртача ёши 29 ёшдан ошмаган. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон янги тарихида ҳам бундай ёш ҳукумат учрамайди. Шундай қилиб, Бухоро жадидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар [8; 13-14].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, америкалик таниқли сиёсатшунос Дональд Карлайл Файзулла Хўжаев шахсиятига юқори баҳо бериб, унинг ўзбек халқи давлатчилиги тарихида тутган ўрнини куйидагича кўрсатади: “Файзулла Хўжаев – Ўзбекистоннинг айнан шу навқирон Бош вазири ўз мамлакати порлоқ келажаги режаларининг, бугунги кунда Президент Каримов зўр қатъият ва ирода билан рўёбга чиқараётган режаларининг яратувчиси эди” [31].

Бухоро амирлиги даврида мамлакат 32 та (баъзи манбаларда 27 та) вилоят (улар бекликлар ҳам дейилган)дан иборат бўлган, бу вилоятлар амлоқларга бўлиниб идора қилинган. Мамлакат пойтахти – Бухоро шаҳри атрофидаги ҳудуд 9 та туманга ажратилиб, бу туманларни ва Бухоро шаҳрини

амир номидан қўшбеги (Бош вазир) бошқарган. Бу маъмурий бўлиниш фуқароларга яхшироқ хизмат кўрсатиш манфаатини ҳам, бошқаришнинг қулай бўлиши манфаатларини ҳам унчалик қондирмас эди. Шу сабабли 1920 йил кузида зудлик билан БХСРда дастлабки маъмурий-худудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоқлар ва қишлоқларга ажратилди. Бухоро Республикасининг пойтахти – Бухоро шаҳри муҳим сиёсий-маъмурий марказга айланиб, бу ерда республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, унинг иқтисодий ва маданий ривожланишини бошқарувчи барча ташкилотлар тўпланди.

1920 йил 22-30 сентябрда пойтахт Бухоро атрофидаги Баҳоуддин, Хўжа Бўстон, Ғиждувон, Вобкент, Шопурком (Шофиркон), Пирмаст, Зандани, Харғўш каби 8 та туманда янги ҳокимият ўзининг дастлабки органлари – инқилобий қўмиталарини ташкил қилди. Шуниси характерлики, ёш Бухоро Республикаси жойлардаги ҳокимият органларига раҳбар қилиб асосан уламолар – ислом дини вакилларини сайлади. Бу ўша даврда ислом динининг минтақадаги маркази саналган Бухоро учун ягона тўғри йўл эди.

1920 йил октябрда Тошкентда РСФСР билан БХСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий битим тузилди. 1921 йил 4 мартда Москвада РСФСР билан БХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Бироқ бу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Хусусан, Иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати худудида совет қўшинлари (қизил армия) туришини “қонуний” асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига шимоллик қудратли қўшни бўлган совет Россиясининг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

Шундай қилиб, қизил армия томонидан Бухорога қилинган босқин натижасида мамлакатда амирлик тузуми ағдариб ташланди ва бошқарувнинг республика усули жорий этилди. Бироқ большевиклар ва совет Россияси, унинг Туркистон АССРда турган ҳарбий-сиёсий кучлари: қизил армия (Туркистон fronti), Туркистон комиссияси, Туркистон бюроси каби турли

комиссия ва бюрлар, ҳарбий кучлар нафақат Ёш бухороликлардан мавжуд монархия тузумини ағдаришда унумли фойдаландилар, балки улар раҳбарлик қилган Бухоро Халқ Совет Республикасини демократик йўлдан эмас, совет йўналишидан кетишини қатъиян талаб қилдилар. Бу ҳолат Ёш хиваликлар билан Хива хонлигини ағдаришда ва Хоразм Халқ Совет Республикасини ташкил қилиш жараёнида ҳам юз берган эди.

Бу даврда Хоразм воҳасида бўлгани сингари Бухоро тупроғида ҳам қизил аскарларнинг босқинчилиги ва Бухоро халқининг турмуш тарзига ёт бўлган большевистик усулдаги инқилобий ўзгаришларнинг зўрлик билан жорий этилиши аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Бу ҳолат Бухоро жамиятини таназулга олиб келди, мамлакатни урушнинг дўзах оловига ташлади, иқтисодиётга ва халқнинг турмуш даражасига ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Шарқдаги дастлабки халқ республикалари бўлган бу давлатлар қисқа вақт ичида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўрта асрларга хос монархия тузumi ва қолоқликдан, якка шахснинг ҳукмронлиги устувор бўлган истибдоддан, диний мутаассиблик ва жаҳолатдан демократик ўзгаришлар томон қадамлар ташланди. Тараққийпарварлар ва зиёлилар (асосан Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар)дан ташкил топган Бухоро ва Хоразм ҳукуматлари мамлакатда демократик ислоҳотларни қарор топтиришда жуда қийин шароит ва вазиятларда иш олиб боришларига қарамасдан, ўз фаолияти давомида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйса-да, шунингдек, доимий равишда большевикларнинг зуғуми ва Марказнинг тазйиқи остида сиёсат юритишга мажбур бўлган бўлса ҳам ўз тарихий вазифасини уddалай олди. Хусусан, Бухоро Халқ Нозирлар Шўросининг фаолияти таҳсинга сазовордир.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг демократик ислоҳотлар томон босиб ўтган йўли ўша давр учун ҳам, бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам ғоят машаққатли ва улуғ йўл

бўлди. Бухоро ва Хоразм Республикалари атиги 4-5 йил ичида дунёвий ислохотлар жорий қилинаётган демократик давлатга айлана бошлади. Афсуски, бу жараёнлар мустабид совет режими томонидан сунъий равишда тўхтатиб қўйилди ва нисбатан мустақил бўлган бу давлатларнинг мавжудлигига ҳам барҳам берилди. Бухоро ва Хоразм Республикаларининг тугатилиши билан камида уч минг беш юз йиллик тарихга эга ўзбек халқининг миллий давлатчилиқ ҳалқаси деярли узиб ташланди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. //Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Илмий муҳаррир: М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. //Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. /Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019.
3. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. //Научный редактор: Р.Я.Раджапова. – Ташкент: Шарқ, 2000.
4. РГАСПИ, 122-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 209-варақ.
5. РГВА, 268-фонд, 1-рўйхат, 149-иш, 147-варақ.
6. РГВА, 110-фонд, 3-рўйхат, 308-иш, 35-варақ.
7. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969.
8. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Маънавият”, 2002.
9. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924 йиллар). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003.
10. РГВА, 268-фонд, 1-рўйхат, 129-иш, 12 – 13-варақлар.
11. Крущельницкий А. Бухарская революция. Диктатура по телеграфу // Родина, 1989. № 11. –С. 30-39.

12. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости.
13. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар // Файзулла Хўжаев. 100. – Тошкент: Фан, 1997.
14. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969.
15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. //Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
16. Персиц М.А. Застенчивая интервенция. О советском вторжении в Иран и Бухару в 1920 – 1921 гг. 2-изд. – Москва: Муравей-Гайд, 1999.
17. Ражабов Қ., Мақсудов Р. Қизилтепа тарихи. – Тошкент: Muharrir, 2011.
18. РГАСПИ, 122-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 262-варақ.
19. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // “Вопросы истории”, 1993. № 7. – С. 49 – 50.
20. М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны. Сборник документов. – Москва: Воениздат, 1941.
21. Ражабов Қ. Бухоро олтинлари тақдири ёхуд “ўртоқ Фрунзе” иши // Бухоро мавжлари, 2004. № 4. – Б. 25-26.
22. Генис В. “С Бухарой надо кончать...” К истории бутафорских революций. – Москва: МНПИ, 2001.
23. Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили). – Тошкент: Фан, 2008.
24. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. //Форс тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. – Бухоро: Бухоро, 2004.
25. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. //Форсийдан А.Ирисов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1991.
26. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). – Тошкент: Академия, 2001.
27. Сафаров Т. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – Москва: Госиздат, 1921.

28. Крушельницкий В. Телеграф орқали сўралган диктатура // Фан ва турмуш, 1990. № 4. – Б. 13.
29. История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: Наука, 1971.
30. История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. –Ташкент: Фан, 1976.
31. Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
32. Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 105-иш, 1-7-варақлар.
33. Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 7-варақ.
34. Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 15-иш, 29-32-варақлар.